Тошкент ҳақиқати

№ 167 (10.416).
1992 йил
5 декабрь
шанба
Баҳоси 3 сўм.

1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН НАШР ЭТИЛМОҚДА.

Вилоят ижтимоий–сиёсий газетаси

СЕШАНБА, ПАЙШАНБА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ.

• *Режани бажарганларни қутлаймиз!* •

• **92-йил ҳосили** •

ЯНА ИККИ РАЙОН МАРРАДА!

Бекобод:


ҚУНИ КЕЧА Бекобод районининг пахтакорлари ҳам режани бажардилар. Давлатга 47 минг 250 тоннадан зиёд ҳосил топширилди. Далаларда 260 та машина ишлади ва улар ёрдамида 22 минг тоннага яқин пахта териб олинди.

Давлатга топширилган хом ашёнинг 70 фоизи юқори сортларга қабул қилинди.

«Далварзин», Ойбек номли, «Бекобод», «Навбаҳор» ва Улуғбек номли давлат хўжаликлари, «Деҳқонобод», «Фарҳод», «Узбекистон», Навоий номли жамоа хўжаликлари режанинг бажарилишига салмоқли ҳисса қўшдилар.

Далаларда пахтакорлар билан бирга 3,5 мингдан ортиқ ҳашарчи ёнма-ён меҳнат қилди.

Айни кунларда бекободликлар қолган ҳосилни ҳам тезроқ йиғиб-териб олиш билан бирга кузги-қишки ишларни кучайтириб юбордилар.



ТЕЗКОР ПАХТА ШТАБИ

33-40-48
33-48-08
33-50-18
33-05-22

РАҲМАТ СИЗЛАРГА, ҲАШАРЧИЛАР!

● БЕКОБОД тумани пахтакорлари шаҳардан келган ҳашарчилардан ғоят миннатдорлар. Йиллик пахта режасининг тезроқ бажарилишида Бекободдан чиққан фидойилар катта мадад кўрсатдилар.

● **3,5 МИНГ нафардан зиёд ҳашарчилар 2 минг тоннага яқин «оқ олтин» териб бердилар.**

● ЁРДАМГА келганлар орасида, айниқса, металлургия заводи, цемент комбинати, кроват заводи ишчи-хизматчилари, тиббиёт, саноат, мусиқа ҳамда район педагогика билим юртларининг талабалари алоҳида ғайрат кўрсатдилар. Пахтакорлар бугунги кунда барча хашарчиларга «Минг раҳмат!» демоқдалар.

● **УРТАЧИРЧИҚЛИҚ пахтакорлар энг долзарб дамларда ўзлари билан ёнма-ён ишлаган Чирчиқ, Янгиобод, Оҳангарон, Олмалиқ шаҳарлари, Паркент ва Қибрай районлари ҳашарчиларидан бениҳоя хурсандлар.**

● РАЙОННИНГ катта хирмонини яратишга чирчиқликлар 1625 тонна, тошкентлик талабалар 2590 тонна, янгиободликлар 190 тонна пахта териб, муносиб ҳисса қўшдилар.

● **ЙИҒИМ-ТЕРИМ мавсумида Тўйтепа тикувчилик фабрикаси, район-халқ таълими бўлими, 74-автокорхона, район матлубот жамиятлари уюшмаси, марказий касалхона, район санитария эпидемиология станцияси каби ўнлаб корхона ва ташкилотларнинг жамоалари алоҳида фидойилик кўрсатдилар.**

Ўртачирчиқ:

РАЙОНДА пахта йиғим-терими мавсуми муваффақиятли якунланмоқда. Режа бажарилди. Шу кунга қадар ўртачирчиқликлар 38 минг 600 тоннадан ортиқ пахта топширдилар. Ҳосилдорлик 26,3 центнерни ташкил этди.

Районда пахта териш машиналаридан, қўл кучи имкониятларидан самарали фойдаланилди. 270 машина билан 23 минг тонна пахта терилди.

Акмал Икромов номли, Ким Пен Хва номли, «Гулистон», «Қайтмас», «Ҳақиқат», Тошкент қишлоқ хўжалигини механизациялаш ва ирригациялаш мухандислари илмгоҳи тажриба хўжалиги, шунингдек, «Северний маяк», «Қорасув» жамоа хўжаликлари деҳқонлари юқори кўрсаткичларга эришдилар. Улар режанинг бажарилишига катта ҳисса қўшдилар.

Район пахтакорлари қолган ҳосилни ҳам тезроқ йиғиб-териб олиш тараддудини кўрмоқдалар. Айни пайтда келгуси йил ҳосилига пухта замин тайёрлаш учун ҳаракат қилинмоқда.



● **БЕКОБОД тумани йиллик пахта тайёрлаш режаси бажарилишига «Далварзин» давлат хўжалиги катта ҳисса қўшди. Далварзинликлар умумий хирмонга ўзларининг режасидан ташқари 500 тонна «оқ олтин» етказиб бердилар. Суратда: хўжалик директори М. Султонқулов илғор пахтакорлар даврасида (чапда).**

Суратказ П. ЭРГАШЕВ.

*

● **УРТАЧИРЧИҚ районидаги Ким Пен Хва номли колхоз доврўғи чет мамлакатларда ҳам машҳур. Колхоз бу йил йиллик пахта тайёрлаш мажбуриятини ҳам анча ортиғи билан адо этди. СУРАТДА: ишчарачи звено бошлиғи Абдусамад Бойжигитов даласида. «Навбаҳор» агрофирмаси вице-президенти Виктор Пак уни катта ютуқ билан қутламоқда. Звено аъзолари Сотиболди Орифхўжаев ҳамда Абдукарим Худойбердиевлар ҳам бу қувончдан мамнун.**

Суратказ А. МАЛЬЦЕВ.



ЎН ИККИНЧИ ЧАҚИРИҚ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ КЕНГАШИ ЎН БИРИНЧИ СЕССИЯСИНИНГ ОЧИЛИШИ ТЎҒРИСИДА

Ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ўн биринчи сессияси 1992 йил 8 декабрда соат 10 да Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг мажлислар залида очилади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ДИҚҚАТИГА

Ўзбекистон республикаси халқ депутатлари 7 декабрь куни эрта билан соат 9 дан то кеч 18 га қадар Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши мажлислар залининг фойесида рўйхатга олинади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ГУРУҲЛАРИ ВАКИЛЛАРИ КЕНГАШИНИНГ ҚАТНАШЧИЛАРИ ДИҚҚАТИГА

Қорақалпоғистон республикаси, вилоят ва Тошкент шаҳридан бўлмиш халқ депутатлари гуруҳлари вакилларининг кенгаши 7 декабрь куни соат 17 да Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг кичик мажлислар залида бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси лойиҳаси умумхалқ муҳокамасида

ЯКДИЛЛИК БИЛАН ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШДИ

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ФАОЛЛАРИНИНГ РЕСПУБЛИКА КОНСТИТУЦИЯСИНИНГ ТЕГИШЛИ ЎЗГАРТИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИЛГАН ЛОЙИҲАСИНИ МУҲОКАМА ҚИЛИШГА БАҒИШЛАБ ЎТКАЗИЛГАН ИЙҒИЛИШИДАН

Қалб-қўри, куч ва ғайратини халқ манфаати йўлидаги ҳалол меҳнатга бағишлаб келаётган вилоятимиз аҳли шу кунларда муҳим бир сиёсий воқеа руҳи билан яшамоқда. Саноат корхоналари, хўжаликлар, ташкилотлар, муассасаларда Республика Конституциясининг янги таҳриридаги лойиҳаси қизғин муҳокама қилинмоқда. Меҳнаткашлар ўз таклиф ва истакларини билдираётирлар.

ЎТГАН куни Қибрай районидаги «Қизил Ўзбекистон» жамоа хўжалиги клубида Тошкент вилояти фаоллари ана шу муносабат билан тўпландилар. Республика халқ ноиблари, шаҳар ва районлар ҳокимлари, вилоят ҳудудидаги ташкилотлар, муассасалар, хўжаликлар раҳбарлари иштирок этган бу анжуманда вилоят ҳокими С. Д. САЙДАЛИЕВ маъруза қилди.

— Ўзбекистон Республикаси асосий Қонунининг дастлабки лойиҳаси икки ой умумхалқ муҳокамасида бўлди,— деди нотиқ.— Баён этилган таклифлар инобатга олиниб, лойиҳа янада такомиллашди. Бугун биз ана шу янги таҳрирдан чиққан асосий қонунимиз ҳақида фикр-мулоҳазалар и м а н и билдириш ниятида яна йиғилдик.

Маърузачи мукаммаллашган лойиҳада инсон ҳуқуқ ва бурчлари батафсил баён қилинганлиги, истиқболни ўйлаб кўпгина ҳаётий муҳим қоидалар киритилганлигини, ўзбек давлатчилигини ривожлантиришда тарихий тажрибага таянилганлигини алоҳида эътироф этди.

— «Лойиҳа — дея давом қилди у,— келажак авлод олдидаги масъулиятни англаш, демократия ва адолатни ҳурматлаш, жаҳонда эътироф этилган халқаро ҳуқуқ қоидаларини тан олиш каби омилларни ўзида мужассамлаштирганлиги билан айниқса қимматлидир.

Ҳоким мустақил она юртимизнинг Конституциясини яратишда олимлар, йирик мутахассислар, ҳуқуқшунослар изчил иш олиб борганликлари, бунда жаҳондаги кўпгина мамлакатлар асосий қонунларини ўрганишга эътибор кучайганлигини таъкидлар экан, лойиҳанинг айрим бандлари ҳақида ўз фикр-мулоҳазаларини ҳам баён қилди. Хусусан, у шундай деди:

— Конституция лойиҳаси юзасидан қуйидаги мулоҳазаларим бор. «Халқ ҳокимиятчилиги» деб номланган II-бобнинг 10-моддасида «Ўзбекистон халқи номидан фақат у сайлаган Республика олий мажлиси ва Президенти иш олиб бориши мумкин», деган сатрлар ифода этилган. Бизни вилоятимизнинг деярли барча меҳнаткашлари қўллаб-қувватламоқдалар. Ана шу модда жамиятимиздаги ўзини сиёсий гуруҳ, жамоатчилик ҳаракати ва бошқа номлар билан атаб, халқимиз орасида ҳар хил миш-мишларни тарқатишга ёки турли намойишлар, митинглар уюштиришга ҳаракат қилаётганларнинг пайини қонун орқали қирқиб қўйишга хизмат қилади. Шу жиҳатдан юқоридаги сатрлар ўз ўрнида қўлланилган деб ҳисоблайман.

Сўнгги йиллардаги шароит ва давр тақозоси иқтисодиётда туб ўзгаришлар қилишни кун тартибига кўндаланг қилиб қўйди. Уларнинг энг муҳими иқтисодиётни бозор муносабатларига ўтказиш бўлиб турибди. Шу нуқтаи назардан бу борадаги ишларни жадалроқ тараққий эттириш учун мулкчиликнинг турли кўринишларини ҳаётга татбиқ этиш, керак бўлса уларни Қонун билан мустаҳкамлаб қўйиш зарур. Лойиҳанинг «Жамият ва шахс» деб номланган III-бўлимида бу масалага алоҳида тўхталиб ўтилганлиги жуда тўғри бўлган.

Умумхалқ муҳокамасига ҳавола этилган Конституция лойиҳаси юзасидан жойларда бўлаётган мулоқотлар шуни кўрсатмоқдаки, Ўзбекистон Президентига Республикамизда раҳбарлик ва юзро ҳокимиятини амалга ошириш борасида катта ваколатлар берилишини мутлоқ кўпчилик қўллаб-қувватламоқда. Бу ўз-ўзидан тушунарли, албатта. Чунки яқин-яқингача жамиятимизда қарор ва қонунларнинг ижроси оқсаб келарди. Бу кўп соҳаларда ишнинг издан чиқишига, қолоқликка сабаб бўлди. Ана шунинг учун ҳам одамлар рўй-рост Президент бошчилигидаги ҳокимият қанча кучли бўлса, жойларда, яъни вилоят, шаҳар ва туманларда, қишлоқларда, корхоналарда, ташкилот, муассасаларнинг меҳнат жамоаларида тартиб-интизом ҳам шунча мустаҳкам бўлади. Тартиб бўлган жойда эса унум, қут-барака бўлиши турган гап. Кўпчилик ҳам шундай фикрда.

Нотиқ ўз нутқи давомида бошқарувнинг ҳокимлик усули яхши самаралар берганлигини, режаларни рўёбга чиқаришда энг қулай эканлигини ҳам таъкидлаб ўтди. Шу жиҳатдан олганда район, шаҳар, вилоят ҳокимлари Президентнинг жойлардаги тўла ҳуқуқли вакили бўлиб иш юритишлари лозим. Ва мана шу қоида Конституция лойиҳасида ўзининг тўлароқ аксини топса, яхши бўларди,— деди у.

— Биз «Маҳаллий давлат ҳокимияти асослари» деб номланган XXI бобнинг 101-моддасида кўрсатилган ҳокимларни тайинлаш тартибини тўла маъқуллаймиз. Шу билан биргаликда уни янада аниқлаштириш тарафдоримиз,— деди Сайфулла Давирович,— назаримда, ҳокимларни олдингидек аввал тайинлаб, кейин сессия тасдиғига киритиб ўтиришнинг ҳожати бўлмаса керак. Аксинча, бу ҳақда тегишли кенгаш аъзолари билан маслаҳатлашиб, уларнинг фикрини олгач ҳоким тайинлашнинг ўзи кифоя деб ўйлайман.

Шу ўринда яна бир муҳим масала борки, бу ҳақда ҳам алоҳида тўхталмоқчиман. Бугун бизга шарт-шароитни, вазиятни ҳисобга олиб, ишни олға силжитадиган тадбиркор, ишбилармон бошқарув кадрлари керак. Бу йўлда гуруҳбозлик, маҳаллийчилик сингари ярамас иллатларни таг-томири билан йўқ қилиш лозим бўлади. Чунки бир қатор туман, хўжаликлардаги аҳвол кимларнингдир гуруҳбозликлари орқасида сайланиб қолган, аслида ҳеч қандай нуфузга, тажриба ва маҳоратга эга бўлмаган кадрларнинг раҳбарлик курсисига ўтириши яхши натижа бермаслигини кўрсатди. Энг ачинарлиси, бундай кадрлардан иқтисодиёт, кишиларнинг ўзлари зарар кўрмоқдалар. Уларнинг ўрнига халқ ташвиши билан яшайдиган ҳақиқий, жонкуяр пок-ҳалол ходимлар қўйилганида бундан аҳоли манфаатдор бўлар эди.

Ҳаётий тажриба яна бир муҳим муаммони кўндаланг қўймоқда. Ўтган даврдаги амалга оширилган ишлар Республика Президенти президентлик қилиш билан бир вақтда шу Президентлик ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасини раҳбарлик қилса, катта натижаларга эришилиши аниқ сезилмоқда. Шунинг учун Конституция лойиҳасига **«Республика Президенти айни вақтда Вазирлар Маҳкамасининг раиси ҳамдир»** деган жумлани киргизиб, бу ишни қонунлаштириш таклифини билдирмоқчимиз. Қолаверса ҳозирги мураккаб шароитда Республика тақдири ва масъулияти бир киши зиммасида бўлганлиги ва барча муҳим масалаларни унинг ўзи назорат остига олганлиги энг тўғри йўлдир, деб ҳисоблаймиз.

Биз ҳуқуқий давлат қураётган эканмиз, Ўзбекистоннинг Конституциясини шундай пухта яратишимиз керакки, бу пировардида янги жамиятнинг ишончли, ҳуқуқий кафолатларини мустаҳкамлаши зарур. Бу Конституция ўзбек давлати нуфузини оширишга, унинг қадриятлари, маънавияти ва тараққиётига хизмат қилмоғи керак. Асосий Қонунимиз Давлат ва жамиятда барқарорликни таъминлаши ва кўпфикрлилик асосида истиқболга чиқиш йўлларини белгилаб бериши лозим.

Маъруза юзасидан музокарага чиққан Тошкент район ҳокими **Р. Акбаров** Ўзбекистон Конституцияси лойиҳасига хориждан келган йирик мутахассислар, олимлар ва бошқа меҳмонлар ҳам юксак баҳо бераётганликлари, унинг демократик руҳини эътироф этаётганликларини қайд қилди.

Энг сўнгги лойиҳа мустақил республикамиз халқларининг ҳаёт маъмунини, яшаш тарзи ва истиқболини ўзида мужассамлатирган,— деп таъкидлади у.— Айни пайтда мен бир қатор таклифларимни ҳам баён этмоқчиман: 1-боб нинг 4-бандида «Ўзбекистон Республикасининг Давлат тили — Ўзбек тилидир.

Ўзбекистон Республикаси ўз ҳудудида истиқомат қилувчи барча миллат ва элатларнинг тиллари, урф-одатлари ва анъаналарини ҳурмат қилишишни таъминлайди, уларнинг ривожланиши учун шароит яратади», дейилган. Ана шу бандни давом эттириб: **Ўзбекистонда истиқомат қилувчи миллатлар шу ҳудуддаги Давлат тилини билишлари зарур, урф-одатлар, анъаналарга ҳурмат билан қарашлари керак ва бу йўлда ана шу омилларни рўёбга чиқарадиган тадбирлар изчил амалга ошириб борилади**, деган сўзлар билан тўлдирилишини истардим. Шунингдек XIX бобнинг 89-моддасида **«Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига 35 дан кам бўлмаган, Давлат тилини яхши биладиган, бевосита сайловгача камида 10 йил Ўзбекистон ҳудудида муқим яшаган Ўзбекистон Республикаси фуқароси сайланиши мумкин...»** дейилган жумлалар бор. Ана шу бандга ҳам қўшимча киритиб; **Ўзбекистонда 10 йил яшаган, ўз билими, малакаси, эътиқоди, меҳнати билан эътибор топган, халқ ҳурматини қозонган маҳаллий кадр бу лавозимга лойиқ бўлиши мумкин»**, дейилса мақсадга мувофиқ бўларди.

Янгийўл районидаги «Тинчлик» жамоа хўжалиги раиси **Маҳмуд Исматов** Конституциявий комиссия лойиҳани мукаммаллаштиришда изчил ишлаганлигини қайд этган ҳолда Республикамизда тинчлик, хотиржамлик барқарор бўлиб турганлиги учун Ўзбекистон Президенти ва ҳукуматига миннатдорчилик билдирди. У ҳам ҳокимларни тайинлаш масаласида Конституцияда кўрсатилган қоидалар ўринли эканлигини таъкидлади.

Шунингдек, Янгиободдаги «Восток» ишлаб чиқариш бирлашмаси Бош директори **Георгий Сидаков**, Қибрай райони ҳокими **Акбарали Йўлчиев, Бўка** районидаги **«Ачамайли»** жамоа хўжалиги бригада бошлиғи **Худойберди Абдуҳабборов**, Юқоричирчиқ районидаги «Ясавий» жамоа хўжалиги раиси **Абдумажид Машаҳабов** ўртоқлар ҳам лойиҳа юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

Вилоят фаоллар анжуманида Ўзбекистон республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси раисининг биринчи ўринбосари **Исмоил Ҳакимович Жўрабеков** нутқ сўзлади.

Фаоллар йиғилишида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси **Мавлон Бобожонович Умурзоқов** иштирок этди.

Н. НАСИМОВ,
С. ВАЛИЕВ.

• *Режани бажарганларни қутлаймиз!* • • *92-ЙИЛ ҲОСИЛИ* •

ҲОРМАНГ ЭНДИ, БЕКОБОДЛИК ВА

МАЙДОНДА СИНАЛГАН— ЭЛДА АЗИЗ

РЕЖА бажариладиган кун ҳокимни топиш осон бўлмади. Режа юз фоиз бўлиши учун атиги 0,26 фоиз пахта етишмаётган эди. Муҳаммадали Расулов хўжаликма-хўжалик юриб, ҳаммани сўнгги зарбага отлантирди. Ниҳоят, кеч пайти ҳоким ўз хонасига кириб келди... Унинг чеҳраси ўзгача эди. Хурсандчилиги шундоқ сезилиб турарди...

— Муҳаммадали Ваҳобович, сизни ва сиз орқали бекободлик барча бободеҳқонларини қўлга киритган катта меҳнат ғалабангиз билан табриклаймиз. Зафар муборак бўлсин!

— Раҳмат!

— Бу йилги «оқ олтин» мавсуми бекободликлар учун анча қийин келди. Шундай бўлса ҳам чинакам жасорат ва матонат намуналарини кўрсатдингиз...

— Астароқ айтасизми?! Бу йил биз ваъда қилган пахта ҳосилини йиғиб олишда катта машаққатларга дуч келдик, десам муболаға бўлмайди. Чунки, баҳорнинг серёғин бошланганлиги, экин-тикин ишларини анча кечиктириб юборди. Аммо, деҳқонларимиз ўз юмушларини билиб ташкил қилдилар, кунни тунга, тунни кунга улаб тер тўкдилар. Туманимиздаги 12 минг гектар ерга чигит уруғи бир-икки мартадан қайта қадалди. Азбаройи июнь ойининг охирларига бориб тўлиқ гектарлар ҳосил қилишга муваффақ бўлдик. Ана шу кунлардан эътиборан мўлжалдаги пахта ҳосили олиш учун чинакам кураш бошланди. Илғорлар тажрибасига, билимдон пахтакорлар маслаҳатларига амал қилиб иш олиб бордик.

— Бекобод шароитида мўл пахта ҳосили етиштириш ва уни йиғиб-териб олишнинг ўзи бўлмайди.

— Тўғри. Бу йилгидек оғир ва мураккаб шароитда меҳнатни ташкил этиш учун етарли миқдорда маблағ бўлиши лозим эди. Хўжаликларимиз ўтган йилги ҳосил толаларининг маълум қисмини ўз ихтиёрлари билан сотганликлари натижасида бақувватлашиб қолишган эди. Ана шу пойдевор етиштирилган ҳосилни тезроқ йиғиб олиш имкониятларини кенгайтирди. Шу билан бирга-ликда туманимизда ҳар бир хўжалик ва онладаги осойишталик, рўзғор буюмлари ва кундалик нарсаларнинг етарли бўлганлиги одамларнинг далада хотиржам ишлашларига шароит яратди. Бугун барчамиз орқага яна бир назар ташлаб, муваффақиятлар нималар эвазига қўлга киритилганлигини яна бир карра ўйлаб кўрмоғимиз лозим.

Айтиш мумкинки, Бекобод пахтасини тўлиқ йиғиб-териб олишда техника катта роль ўйнади. Эҳтиёт қисмларнинг ўта тақчиллашиб кетганлигига қарамай 387 та «зангори кема»дан 260 таси пахта теримида тўлиқ иштирок этди. Шу боис давлат хирмонига етказиб берилган 47 минг 250 тонна пахтамизнинг 22 минг тоннага яқини машиналар ёрдамида териб олинди. Бундай иш услуби 70 фоиздан ортиқ маҳсулотнинг биринчи навларга сотиш имконини берди.

— Тадбиркорлик ва ишбилармонлик ўта қўл келган бу йилги шароитда қайси хўжаликларда ишлар кўнгилдагидек ташкил этилди?

— Бугунги шодиёна кунларимизда туманимизнинг ҳар бир меҳнат аҳлига барака топинг, умрларингиз узоқ бўлсин, топганингиз тўйга буюрсин, дейишга ҳақлимиз. Ғалаба маррасига тезроқ етиб келишимизда ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшган хўжаликлар, бўлимлар, бригадалар, «пўлат от» суворийлари жуда кўп бўлди. Бугунги қувончли дамларда астойдил олға интилган ва пахта тайёрлаш йиллик режаларини муддатидан илгари адо этган хўжаликлар ва уларнинг раҳбарларини алоҳида мамнуният билан тилга олгим келади.

«Далварзин» давлат хўжалиги (директори М. Султонқулов), «Деҳқонобод» жамоа хўжалиги (бошқарув раиси Ҳ. Бўрибоев), Улуғбек номли (директори У. Исабоев), Ойбек номли (директори Н. Эсонов), «Бекобод» (директори Н. Маматқулов), «Навбаҳор» (директори Х. Бобомуродов) давлат хўжаликлари, «Фарҳод» (бошқарув раиси А. Умаралиев), «Ўзбекистон» (бошқарув раиси З. Хўжабеков), Навоий номли (бошқарув раиси М. Саъдуллаев) жамоа хўжаликлари меҳнаткашлари зафар марраларига барвақт етиб келишга эришдилар.

Ҳали юқорида айтганимдек, барча хўжаликлар меҳнати таҳсинга сазовор. Лекин, биргина мисолда мен ана шу хўжаликларнинг меҳнат маромини кўрсатиб бермоқчиман: «Далварзин» давлат хўжалиги пахтакорлари бу йил 1830 гектар ерда деҳқончилик қилишди. Улар ҳар гектар майдондан режадаги 26,8 центнер ўрнига 29,5 центнердан ҳосил кўтардилар. Режадан ташқари 500 тонна пахта ҳосили йиғиштириб олинди. Ялпи ҳосилнинг минг тоннаси «Қирғиз-3» навли уруғлик пахта ҳисобланади.

Меҳнатни унумли ташкил этиш кўп жиҳатдан, албатта, бошлиқларга боғлиқ. «Далварзин» давлат хўжалиги директори М. Султонқулов, «Деҳқонобод» жамоа хўжалиги бошқаруви раиси Х. Бўрибоев сингари отахон карвонбошиларнинг ўзига хос анъаналари бор. Улар халқ билан ишлашни билишади. Шу боис, яхши маънода, уларнинг «айтгани айтган, дегани деган». Кишилар раҳбарларнинг лафзига қараб баҳо берадиган бўлиб қолишган. Гап шундаки, юқоридаги сингари раҳбарларимиз кимга қандай ваъда берган бўлса ўшанинг уддасидан чиқишди, ҳамсуҳбатлар олдида икки сўзлик бўлиб қолишмади.

— Бу йилги пахта мавсумида ўзига хос дамлар бўлдими? Бундай кезларда қандай чоралар кўрилди?

— Деҳқончиликда кутилмаган тасодифлар кўп учрайди. Масалан, ғўзалар баргини тўкишни олиб кўрайлик. Агарда дефолиация шошма-шошарлик билан ўтказилса, кўпгина кўсаклар ғўрлигича қолаверади. Ҳадеганда пишиб етилмайди. Натижада, деҳқонлар икки томонлама зарар кўришади. Биринчидан, кўсак маромида пишмаганидан кейин, тола сифатли бўлмайди. Иккинчидан, чаноқ ўзининг табиий оғирлигини 0,5—1 граммгача йўқотади. Бу билан ҳар гектар ерда 2—3 центнергача ҳосил йўқотилиши мумкин. Устига устак нав ҳам рисоладагидек бўлмайди.

Ҳасанбой ака Бўрибоевга ўхшаган жамоа хўжалиги раислари ўзлари раҳбарлик қилаётган жойларда барча ишни жамоа аъзолари билан кенгашиб, келишиб олиб бордилар. Мазкур хўжаликда ғўза дефолиацияси бошлашдан олдин тажрибали деҳқонлар, ижарачилар билан кенгашилди. Натижада, барг тўкишни табақалаб ўтказишга қарор қилинди. Бу усул ўзининг ижобий самарасини берди. Ҳосилдорлик 28 центнердан ошди.

— Юқорида тилга олганларингиз «эски рўзғор» хўжаликлар. Бекободда янгилари ҳам борку...

— Хўжаликлар янги бўлиши мумкин. Гап хўжалик бошлиғида қолган. «Фарҳод» ва «Навбаҳор» давлат хўжаликлари, сизлар айтгандек, «янги рўзғор». Лекин улар ҳам юқорида тилга олинган оқсоқоллар билан кунда-кунаро фикрлашиб турдилар, уларнинг тажрибаларини ўз хўжаликларида жорий қилдилар.

— Муҳаммадали Ваҳобович! Баъзан «муваффақиятнинг сири» деган сўзларни учратамиз...

— Сир битта. У ҳам бўлса меҳнатда ва яна меҳнатда. Меҳнатни тўғри ва оқилона ташкил эта билган одам ҳамиша ютган. «Ҳамма — пахта йиғим-теримга!» деган шиорни осиб қўйган билан иш юришиб кетавермайди-ку... Мен юқорида таъкидлаб ўтганимдек, терим мавсумига жуда пухта тайёргарлик билан киришдик. Теримда қатнашаётган ҳар бир теримчига, механизаторга, ҳашарчиларга алоҳида ғамхўрлик кўрсатилди. Биринчи галда биз учун энг муҳим нарса бу одамлар саломатлиги бўлди. Чунки, одам соғ бўлса, тоғни ағдаради, деган гап бор.

Иккинчи навбатда моддий рағбатлантириш катта самара келтирди. Хўжаликларнинг ички имкониятларига қараб, терим мавсумининг бошида ҳар килограмм ҳосил учун 2 сўмдан, кейин 4 сўм, сўнгра 6 сўмдан ва ниҳоят 10 сўмдан ҳақ тўланди. Машинада терилган ҳар бир тонна пахта учун 200 сўмдан 500 сўмгача пул берилди. Устига устак қатор хўжаликларда илғорларга шоли, буғдой, гуруч сингари маҳсулотлар ҳам бериб борилди. Бундай тадбирлар мавсумни пухта ўтказиш, жадаллаштириш ва уни тезда якунлаш имкониятини берди.

— Галдаги режалар қандай?

— Ҳали далаларимизда ҳосил бор. Вилоятимиз ва жумҳуриятимиз пахта хирмонларининг ҳам тезроқ уйилишидан умидвормиз. Бекободликлар ички имкониятларини чамалаб кўришиб, баҳоли қудрат қўшимча пахта етказиб беришга бел боғладилар. Майдонда синалган, элда азиз бўлиб қолаверади.

— Зафар нашидаси ҳамиша тотли бўлган. Яна бир бор бекободлик пахтакорларни эришилган ғалаба билан чин қалбдан муборакбод этамиз. «Тошкент ҳақиқати» барча муштарийлари номидан ҳаммаларингизга мустаҳкам соғлиқ, бахтли ҳаёт ва осуда турмуш тилаймиз!

— Минг раҳмат!

ТИРИШДИК, ДОВОН ОШДИК

ЙИЛ БОШИДА ўтказилган бир мажлис ҳамон эсимда. Ўшанда жамоа хўжалигимиз раҳбари Абдуманноп ака Умаралиев шундай деган эди: «Баҳорнинг қандай келаётганлигини ўзларингиз кўриб турибсиз. Йил бўйи астойдил, виждонан меҳнат қилишга тўғри келади. Оддий сувчидан тортиб ҳаммамиз бир ёқадан бош чиқарсак, албатта, йиллик режамизни бажарамиз».

Ҳақиқатан ҳам шундай бўлди. «Фарҳод» хўжалигимиз янги ташкил этилганлигига қарамасдан ҳар гектар ердан олинадиган ҳосилни сезиларли равишда оширишга муваффақ бўлди. Чунки, ўтган йилларда ҳар гектар ердан олинадиган пахта 19 центнердан кўп бўлмаган эди. Бу йил эса бу рақамни 23 центнердан оширишга муваффақ бўлдик.

Жамоа хўжалигимиз йиллик пахта тайёрлаш режасини барвақт адо этди. Бу хайрли ишда Асатулло Марқабоев, Абдибек Шерматов сингари бригадаларимиз алоҳида ўрнак кўрсатдилар. Уларнинг ҳар бири ўз бригадалари бўйича 130—135 тоннадан ошириб, «оқ олтин» териб бердилар.

Ўзим механизатор бўлганлигим туфайли бу йилги мавсумда пахта териш машиналарининг ҳиссаси кўп бўлди, деб ўйлайман. Чунки, йиғим-терим мавсумининг чўзилганлиги боис «зангори кемалар»ни алоҳида унум билан ишлатишга тўғри келди. Муҳиддин Ҳамдамов, Мамадиёр Шерматов сингари ҳамкасбларим билан биргаликда мавсум давомида 100—110 тоннадан ошириб пахта теришга муваффақ бўлдик.

Қўлда пахта терувчилар меҳнатини ҳам алоҳида таъкидлаш лозим. Б. Раҳмонова, А. Ҳасанова, Г. Жўянова, З. Бойзоқова каби чеварларимиз 10 тоннадан ошириб пахта тердилар. Бугун туманимиз умумий хирмонида 580 тоннадан зиёд «Фарҳод» пахтаси борлигидан мамнунмиз.

А. ЭРГАШЕВ,
«Фарҳод» жамоа хўжалиги механизатори.



● СУРАТДА: (чапдан ўнгга) бригада бошлиғи Р. Мўминов, бошқарув раиси Ҳ. Бўрибоев, бош ҳосилот Ҳ. Аҳмадалиевлар пахтазорда.

БЕЛНИ МАҲКАМ БОҒЛАБ ИШЛАДИК

ХАЛҚИМИЗДА исми жисмига монанд, деган гап бор. Хўжалигимиз номи яқинда ўзгарди. Одамларимиз қалбига азалдан ўрнашиб қолган «Деҳқонобод» сўзи кўпчиликка маъқул бўлди. Шу тариқа хўжалигимиз «Деҳқонобод» деб атала бошланди.

Меҳнат қилаётган ҳар бир инсон ўз жойини, ўз ҳовлисини, ўз хўжалигини обод кўришни истайди. Ободончилик эса меҳнат туфайли рўёбга чиқади.

Бободеҳқонларимиз инсоннинг кўнгли тўқ бўлса, ишида ҳам катта унум бўлади, дегувчи эдилар. Рост гап экан. Тирик жон борки, оилам, уй-жойим, рўзғорим тинч бўлса, деган илинжда юради. Ҳар кимнинг ўз уйи —ўлан тўшаги. Бундай вазиятни вужудга келтирмасдан туриб, далада самарали меҳнатга умид боғлаш соддаликка ётади. Хуллас, одам боласи ҳар куни ўз бўсағасидан ишга хушнуд йўл олсагина, ҳар бир юмушга рағбат билан қўл уради.

Бизнинг жамоамиз раҳбарияти, энг аввало, хўжалигимизда ана шундай муҳитни вужудга келтириш кўйида бўлдик. Зотан, хурсанд одамнинг йўли очиладеради. Шу йил бошидаги қийинчиликларни, ёғингарчиликларни, чигитни қайта экишларни ўйласам, одамларимиз матонатига, яқдиллигига, уларнинг ишлам-бозлигига ҳамиша тан бераман.

Бу йил биз 1560 гектар ерда пахта ўстирдик. Ўстирдик, дейиш осон. Мўлжалдаги ҳосилни тўплаш учун сувчи дейсизми, пахтакор дейсизми, механизатор дейсизми — ҳаммамиз бир мақсадни кўзлаб тер тўкдик. Интилганга толе ёр, деганларидек, белни маҳкам боғлаб ишлашимиз туфайли ҳар гектар ердан олган ҳосилимиз 28 центнерни ташкил этди. Давлатга 4100 тоннадан ортиқ «оқ олтин» топширдик. Жилғалар йиғилиб дарё ҳосил қилади. Ана шу жилғалар бошида Мухтор Тўғизбоев, Жўра Оллоназаров, Анорқул Ҳатамов, Абдумўмин Жўраев сингари жўмард бригада бошлиқлари турдилар. Улар етакчилик қилган жамоаларда пахта ҳосилдорлиги 32—35 центнерданга етказилди.

Маълумки, бизларнинг шароитимизда ҳосилнинг асосий қисми техника зиммасига юкланади. Мавсумда фаол иштирок этган механизаторларимизга қойил қолмай иложимиз йўқ. Айримлар берилаётган мўмай пуллар ҳисобига улар яхши ишлагандир, деб ўйлашлари мумкин. Асло, ундай эмас! Ҳар соат, ҳар дақиқа улар билан бирга бўлган кишигина суворийлар дилидаги гапларни аниқ англай олади. Абдумавлон Хошимов, Эргаш Замонов, Ҳасан Иброҳимовлар каби механизаторларимизнинг ҳар бири мавсум давомида 110—120 тоннадан «оқ олтин» териб беришди.

Йиллик режамизни қисқа муддатларда адо этишда илғорларни рағбатлантириш услуби катта аҳамият касб этди. Кундалик топшириқларини адо этиб, ҳафта давомида яхши натижаларга эришган теримчилар, механизаторлар ўз вақтида рағбатлантириб борилдилар. Шу боисдан ҳамиша иш унуми юқори бўлди.

Меҳнатдан келса бойлик — турмуш бўлар чиройлик, деган нақл ҳам бежиз айтилмаган. «Оқ олтин»дан келадиган мўмай даромад меҳнаткашларимизнинг яхши кунларига ярасин! Эндиликда биз янаги йил тараддудини кўряпмиз. Эрта-индин хўжалик оқсоқоллари, мутахассислари, фаоллари билан кенгашиб, истиқбол режаларини ишлаб чиқамиз.

Х. БЎРИБОЕВ,
«Деҳқонобод» жамоа хўжалиги бошқаруви раиси.

ЕР ЮЗИНИ ЭР ОЧАР

ИНСОН омон бўлса, ҳар қандай ғовни бартараф этаверар экан. Бизнинг «Навбаҳор» давлат хўжалигимиз шу йил бошида янгитдан ташкил этилган хўжалик ҳисобланади. Ишни асосий пойдевордан бошлаш ҳамиша қийин кўчади. Лекин, жамоамиз ғайратли директор Х. Бобомуродов етакчилигида мўлжалланган манзилни эгаллаш учун астойдил ҳаракат қилди.

Туманимиз, хўжалигимиз йиллик пахта тайёрлаш режаларини бажарган айни кунларда мен асосан ўз бўлимимиз ҳақида сўз юритмоқчиман. Масаланинг қувончли томони шундаки, бўлимимиз миришкорлари бу йил туманда биринчи бўлиб ғалаба маррасига етиб келишди. 240 гектар ернинг ҳар гектаридан 21 центнердан ҳосил йиғиштириб олинди, шу тариқа давлат режаси 10 иш кунида бажарилди.

Бундай натижаларга қандай қилиб эришилди, деган савол туғилиши мумкин. Биз биринчи қадамларданоқ майдонларимизнинг мелиоратив ҳолатига асосий эътиборни қаратдик. Бизнинг шароитларимизда сув анча тақчил ҳисобланади. Шу боис обиҳаётнинг ҳар бир томчисидан авайлаб фойдаланишга ҳаракат қилдик. Натижада, ғўзаларимиз бўй чўзган сайин уларнинг серҳосил бўлишлари учун ҳамма чораларни кўрдик.

«Зангори кема» суворийлари эса ғўзаларни машинабоп қилиб ўстириб берасизлар, деб туриб олишди. Уларнинг гапларида ҳам жон бор эди. Чунки, ҳосилнинг асосий қисми машиналар зиммасига юкланади. Қисқаси, кўзга келиб механизаторларимиз чинакам мардоналик кўрсатдилар, улар совхозимиз бўйича йиғиб олинган 1700 тоннадан ошиқ пахтани териб олишда ўзларининг муносиб улушларини қўшдилар. Р. Исматов, К. Қундузов, Ж. Рисолов, Р. Бойжуманов, Ҳ. Абдуллаев сингари механизаторларимиз ялпи ҳосилнинг 95 фоизини териб беришди. Ғалвир сувдан кўтарилаётган бугунги кунда биз барча меҳнатчиларимизга астойдил миннатдорчилик билдирамиз.



● СУРАТДА: пешқадам механизатор К. Қундузов. У мавсумда 110 тоннадан ошириб пахта терди.

Р. САИДҚУЛОВ,
«Навбаҳор» давлат хўжалиги 1-бўлими бошқарувчиси.

КЎПЛАШИБ, КЎМАКЛАШИБ

ПАХТА — жумҳуриятимизда яшаётган ҳар бир кишининг бойлиги ҳисобланади. Бу йилги «оқ олтин» мавсумининг чўзилиб кетганлиги, кузнинг деҳқонлар учун бирмунча ноқулай келганлиги Бекобод шаҳрида яшаётган ҳар бир кишини далага отлантирди. Улар «Бизлар ҳам пахтакормиз!», деган хитоб билан туман пахтазорларига йўл олдилар.

Бекобод райони йиллик пахта тайёрлаш режасини бажарган ҳозирги кунларда ҳоким Муҳаммадали ака Расулов Бекобод шаҳридан ҳашарга чиққан 3,5 минг нафардан зиёд кишиларнинг ҳар бирига чин юракдан раҳматлар айтмоқда. Аслида шундай. Чунки энг оғир пайтларда Бекобод шаҳридаги корхоналар ишчилари, инженер-техник ходимлари, тиббиёт, район педагогика билим юртларининг талабалари чиндан ҳам жасорат кўрсатдилар. Улар пахтакорлар билан ёнма-ён туриб, туманнинг умумий хирмонига муносиб ҳисса қўшдилар.

Мен барча ҳашарчилар қаторида меҳнат қилган Бекобод цемент комбинати ишчиларини алоҳида таъкидлаб ўтмоқчиман. Комбинат раҳбарияти пахтакорларга ёрдам бериш қарорига келганидан сўнг М. Мингалиев, Х. Тошпўлатов, Ф. Оллоёрова, Б. Жалолова, Р. Раҳимбоев, К. Каримов, А. Абдужабборов каби юзлаб фидойилар терим қизғин кунларида ҳар куни 90—100 килограммдан ошириб пахта теришга эришдилар. «Пахтакор-92» штабига бирлашиб пахта терган ҳар бир бекободлик бугун туман пахтакорларининг хурсандчилигига шерик бўлмоқда.

Н. ОТАБОЕВ.

ИШГА ҚЎНИМ— ХИРМОНГА УНУМ

БИЗ КЎПИНЧА бригада бошлиқлари ҳақида гапирганимизда, асосан, уларнинг ер майдонлари-ю, берадиган ҳосили тўғрисида тўхталамиз. Менимча, гап бошқа ёқда. Кенгашиб ишлаган одам доғда қолмас экан. Мен бу гапларни ўз фаолиятимиздаги тажрибадан олиб гапиряпман.


Давлат хўжалигимиздаги Абдумўмин Эшмуродов, Мардулло Ҳасанов, Абдуназар Абдухолиқов, Раҳматжон Раҳимов, Эсонбой Ирисов, Сайфиддин Каримов, Абдуфаттоҳ Тошматовлар сингари бригада бошлиқларини яхши биламан. Уларни том маънода заршунослар деб атаса бўлади.

Бригадалар бўлмаса хўжалик, қолаверса, туман пахта хирмонлари юксакларга бўй чўзмаган бўларди. Баайни ана шу бригадаларда катта хирмонлар кўтарилди. Мен санаган кишилар бошлиқ жамоалар ўзларининг йиллик пахта тайёрлаш режаларини 115—130 фоизга етказдилар.

Чигит экиш даврида ҳам, ниҳолларни парваришлаш кезларида ҳам, йиғим-терим мавсумида ҳам биз — бригада бошлиқлари ҳар куни бир-биримизнинг ишимиздан бохабар бўлиб турдик. Баъзан қийинчилик туғилиб қолса, дарҳол ёрдамга отланардик. Бир-биримизга суянчиқ бўлишлик ҳам одамга жуда катта далда берар экан.

Бекобод тумани маррани эгаллаган бугунги куида мен барча хўжаликлардаги касбдошларимни астойдил табриклайман, уларнинг келажакда ҳам ана шундай зафарлар қучишига вужудан ишонаман.

А. БЕРДИЕВ,
«Далварзин» давлат хўжалиги бригадаси бошлиғи.



● Опа-сингил Шоира ва Жамила Зокировалар мавсум давомида мусобақалашиб ишладилар. Шоира — 4,5 тонна пахта терди. Жамила эса 4 тоннага етказди.

Бекобод тумани пахтакорлари ғалабасига бағишланган саҳифани «Тошкент ҳақиқати» газетасининг махсус мухбирлари Р. УМАРОВ ва П. ЭРГАШЕВлар уюштирдилар.

• *Режани бажарганларни қутлаймиз!* • • *92-ЙИЛ ҲОСИЛИ* •

ЎРТАЧИРЧИҚЛИК ПАХТАКОРЛАРИ

МАВСУМ МАСЪУЛИЯТИ

ЎРТАЧИРЧИҚЛИК пахтакорлар давлатга 38 минг тоннадан зиёд пахта топширдилар. Гектаридан ўртача 26,3 центнердан ҳосил олинди. Пахтазорларда мавсумда 270 та терим машинаси ишлади. Инғиб олинган «оқ олтин»нинг 70 фоизи пўлат этаклардан тўкилди.

Биз яқинда Ўртачирчиқ район ҳокими Мирзамурод Бердимуродович ИКРОМОВ билан учрашиб, унга йиғим-терим мавсумида районда амалга оширилган ишлар юзасидан бир неча саволлар билан мурожаат этдик. Қуйида ана шу суҳбатни эътиборингизга ҳавола қиламиз.

— Мирзамурод Бердимуродович, аввало, район пахтакорлари қўлга киритган зафар билан Сизни ва Сиз орқали ўртачирчиқлик пахтакорларни табриклайман. Бу довонга етиб келишнинг ўзи бўлмади, албатта. Тўғри эмасми?

— Жуда тўғри, бу йил марра қийинчилик билан эгалланди. Бунинг сабаблари сизга ҳам маълум. Баҳорда табиатнинг инжиқлиги туфайли қанча-қанча майдонларни бузиб қайта экканимиздан хабардорсиз. Бунинг устига пахта ёзда ўзига етарли иссиқликни ололмади. Авжи ривож топиши керак бўлган ойларда кун салқин келди. Лекин ҳамиша бир фикрни қўнглим тўлиб таъкидлагим келадики, чиндан ҳам инсон иродаси ҳар нарсадан устун турар экан. Сел туфайли эндигина тупроқдан ёриб чиққан ниҳолларга завол етганда, бўй чўзиб қолган кўчатларни қатқалоқ исканжага олганда, бу машаққатни нолиш билмасдан, фидойилик билан бир ёқадан бош чиқариб ишлаган минглаб кишилар енгдилар. Ҳароратнинг паст келишига қарамай, хўжаликларда агротехника тадбирларидан унумли фойдаланиш ҳисобига барча майдонларда ғўзаларни баравж ривожлантириб олишга эришдик. Ҳосил ҳам мўл бўлди. Аммо пахтанинг очилишига келганда, колхозларда турлича ҳолат рўй берганлигини яширмайман. Айрим хўжаликлар баҳорда майдонларни бутунлай бузиб, қайта экканларга бўлсалар, айримлари гектарнинг асосан зарар кўрган қисмидагина бу ишни амалга оширдилар. Ана шу туфайли ҳосилнинг етилиши, аниқроғи пахтанинг очилишида тафовут содир бўлди. Қийин шароитларга қарамай, ҳамиша донгдор бўлиб келаётган Ким Пен Хва, Акмал Икромов номли хўжаликларда, «Гулистон», «Қайтмас» жамоа хўжаликларида баракали ҳосил етиштирилди. Бу жойларда терим ниҳоятда уюшқоқлик билан ташкил этилди. Мавсумда «Ҳақиқат», «Ўртасарой» колхозлари, Қишлоқ хўжалигини ирригациялаш ва механизациялаш муҳандислари институтининг ўқув хўжалиги, «Северний маяк», «Қорасув» жамоа хўжаликлари пахтакорлари ҳам фидокорона ишлаб, йиллик режаларини ортиғи билан адо этдилар. Етиштирилган ҳосилни териб олишда бу колхозлар кўпроқ техникага таяниб иш юритдилар.

— Районда бу йил машиналардан унумли фойдаланилгани борасида хабарим бор. Чунки эрта кўкламда ва мавсум олдидан улар бевосита далаларнинг ўзида «имтиҳон»дан ўтказилган эди. Бу тадбир зое кетмади. Айни пайтда техника қудратини камситмаган ҳолда қўл теримига ҳам зўр берилди. Икки оғиз шу ҳақда ҳам тўхталиб ўтсангиз.

— Инкор этмайман, мавсум бошидаёқ район штаби қўл теримини бир кун ҳам бўшаштирмасликни ўз олдига вазифа қилиб қўйган эди. Бунинг самарали томонлари кўп. Аввало ҳосил сифати юқори бўлади. Кейин об-ҳаво турланиб турган бир пайтда вақтни бой бермасликни ҳам ўйлаш керак. Қолаверса, ҳар мисқол пахтанинг даладан хирмонга ўтиши ғанимат, ахир. Теримда колхозчилар билан бир қаторда ҳашарчилар ҳиссаси катта бўлганлигини таъкидламоқчиман. Хусусан, районимиздаги 74-автокорхона, марказий касалхона, «Сельхозтехника» район бирлашмаси, темирбетон буюмлари заводи, 30-, 36-мактаблар жамоалари ҳамда Чирчиқ тиббиёт билим юрти, шу шаҳарнинг Ўзбекистон қийин эрийдиган ва ўтга чидамли металлар комбинати, трансформатор заводи жамоалари улкан хирмонимизга муносиб ҳисса қўшдилар Булар мавсумда чуқур масъулият ҳис этиб, пахтакорларга астойдил ёрдам бердилар.

— Албатта, йиғим-терим жараёнида рағбатлантирувчи омиллар ҳам ўзига хос роль ўйнаган бўлса керак?

— Шубҳасиз, ҳар беш кунда илғор механик-ҳайдовчилар, теримчилар турли совғалар билан мукофотлаб борилди. Иш ҳақини бевосита даланинг ўзида бериш, меҳнаткашларнинг озиқ-овқат маҳсулотлари, биринчи галдаги истеъмол буюмларига бўлган эҳтиёжларини аниқлаб, уларни сарсон қилмасдан таъминлаш иш унумини оширди. Хўжаликларда сўнгги мисқолгача бўлган пахтани йиғиб олиш учун қўшимча рағбатлантирувчи тадбирлар ишлаб чиқилди. Хусусан, тозаланган ҳар бир гектар ерга тўланадиган ҳақ аниқ белгилаб қўйилди. Айни пайтда мавсумни уюшқоқлик билан ўтказишда талабчанлик, темир интизомни жорий қилганимиз муҳим аҳамият касб этди. Элнинг ерда ётган ризқи-рўзини йиғиб-териб олишда лоқайдлик, масъулиятсизлик қилган кишиларга нисбатан қатъиятсизроқ бўлдик. Бир қатор хўжаликларда уларни қўшимча даромаддан маҳрум қилиш чоралари ҳам қўлланди. Мустаҳкам интизомсиз, уюшқоқликсиз кўзланган мақсадга эришиб бўлмасди.

— Тўғри, шулар туфайли йиллик режа қийинчилик билан бўлсада бажарилди. Мана энди район штаби аъзоларининг ҳам, хўжаликлар раҳбарларининг ҳам беором, бедор ўтган тунлари, беором кунлари ортда қолди. Шу қувончли кунларда яна нималар ҳақида мамнунлик билан гапиришни истардингиз?

— Маълумки, йиғим-терим мавсуми ўзига хос бир фронт. Катта «жанг» мобайнида, албатта, ёрдамга эҳтиёж сезасан, киши. Гоҳо нуқсонларингни ўзинг сезмаслигинг мумкин. Шунда ёнингда мадад берувчи, йўл-йўриқ кўрсатувчи бир куч борлигини ҳис этсанг, дилингда ишонч, мақсад сари интилиш туйғуси кучаяди. Шу жиҳатдан олганда вилоят ҳокимлиги кўрсатган ғамхўрлик, ўринли талабчанлик ва зарур ҳоллардаги ёрдам бизга руҳ бағишлаганлигини ҳам таъкидлаб ўтмоқчиман. Яна бир муҳим омил — районимиз ҳудудидаги «Қорасув» пахта заводи ва унинг пунктларида ишнинг пухта йўлга қўйилиши ҳам эътиборга лойиқдир. Хўжаликлар бу йил ҳосилни топшириш мобайнида интизомлик сезмадилар, вақтдан ютқазмадилар. Заводда ва пахта пунктларида ҳар бир колхознинг ўз лабораторияси ташкил этилганлиги эса ҳосилни одилона, майда-чуйда гапларсиз топшириш имконини яратиб берди. Хулоса қилиб айтганда, ҳар кимнинг ўз иш жойидаги уюшқоқлиги, масъулияти туфайли юзимиз ёруғ бўлди.

— Бозор иқтисодиёти шароитида район аҳолисини ижтимоий ҳимоя қилиш борасида ҳам кўп иш қилинди. Сиз билан аввал бўлиб ўтган суҳбатларда бу ҳақда батафсил гаплашганмиз. Эндиликда пахта хом ашёсини Ўртачирчиқнинг ўзида қайта ишлашга эътибор берилаётган экан. Шулар ҳақида тўхталишингиз билан биргаликда район механизациялаштириш қишлоқ хўжалигининг бошқа тармоқларида қандай ютуқларга эришганлиги ҳақида қисқача гапириб берсангиз.

— Иқтисодиётни юксалтириш омилларидан бири хўжаликлар ўзлари етиштирган ҳосилни ўзларида қайта ишлашни жорий этишдир. Бу йил Ким Пен Хва номли, «Гулистон» жамоа хўжаликлари ўз ҳосилларини ўзлари қабул қилиб олдилар. Районимиз бўйича етиштирилган пахта хом ашёсини ана шу икки хўжаликдаги заводларда қайта ишлаш имконияти яратилди, деб ҳисоблаш мумкин. Бошқа жамоа хўжаликлари эса халқ истеъмол буюмлари ишлаб чиқарадиган кичик корхоналар, цехлар қуришни давом эттирмоқдалар.

Сиз бошқа тармоқлардаги аҳвол қандай деб ҳам сўрадингиз? Мақтаниш бўлмасину, яхши деб жавоб беришимиз мумкин. 1992 йилда район бўйича 5097 гектар майдонда дон маҳсулотлари экилди. 12 минг 676 тонна ғалла йиғиб олинди. Бу 1991 йилдагидан 51 тонна кўп демакдир. Бу йил 7003 тонна шоли, 631 тонна арпа, 3047 тонна жўхори тайёрлаш режаларитирилган ва бу ишлар ниҳоясига етказиляпти. Ўртачирчиқликлар аҳоли дастурхонига 34 минг 880 тонна сабзавот, 2594 тонна полиз, 1132 тонна мева маҳсулотлари етиштириб бериб, бу соҳадаги режаларни ҳам вилоятда биринчилардан бўлиб адо этдилар.

Албатта, эришилган натижалар биз учун чегара эмас. Гап элнинг дастурхонини тўкин қилиш, рўзғорини бутлаш ҳақида бораётган экан, келгусида яна ҳам уюшқоқлик кўрсатиб ишлаш асосий мақсадимиз бўлиб қолаверади.



● АКМАЛ ИКРОМОВ номли колхоз мавсумда. Ўртачирчиқ районида биринчилардан бўлиб йиллик режани бажарди. Яқинда эса у мажбуриятини ҳам ошириб адо этди. Ғалаба чеҳраларга қувноқлик бағишлаши тайин экан. Шунинг учун колхоз раиси Абдукарим Тошматовнинг ҳам, чирчиқлик ҳашарчиларнинг ҳам юз кўзларида табассум.



ҲУРМАТИНГ БЎЛДИ УЛУҒ

(ЎРТАЧИРЧИҚ ПАХТАКОРЛАРИГА).

«Ким Пен Хва» — чавандоз,
«Акмал...» бўлиб пешқадам,
Иккови берди овоз:
Режа тўлди биз бардам».

Ваъдада туриб «Қайтмас»,
Таратди ҳар ён довруғ.
Сўзи ишга бўлди мос:
«Ҳақиқат» юзи ёруғ.

Илму амал даргоҳи —
«ТИИИМСХ» ҳам донгдор
Меҳнатидир — гувоҳи
Омад, қувонч унга ёр.

Маррага етган куни,
«Гулистон» очди чирой.
Ёришди кундек туни
Бажаргач «Ўртасарой».

«Ўзбекистон»да хирмон
Осмонга бўй чўзибди,
Режа бут, йўқдир армон
Беллашувда ўзибди.

«Қолган ёмон, деб якка»,
Илдамлади-да бот-бот.
Зафар етгач «...Маяк»ка
Элнинг дили бўлди шод.

«Қорасув» довон ошди
Чеҳраси тўлин ойдек
Севинчи тўлиб тошди,
Мавжланиб жўшқин сойдек.

«Олтин тоғ»лар қалашган,
Пахта завод «Қорасув»,
Ғолиблигин ярашган,
Йигит-сулув, қиз-сулув.

Ўртачирчиқ донгдорим
Хурматинг бўлди улуғ.
Оқладинг номус, оринг,
Зафаринг бўлсин қутлуғ!

Саид ВАЛИ.

МЕҲР БЕРИБ, БОЙЛИК ОЛДИК

ИНСОНГА роҳат, бахт ато этадиган бир омил бор. У ҳам бўлса, сидқидилдан қилинган ҳалол меҳнат. Буни ҳаётий тажрибамда кўп бора кузатдим. Деҳқон ерни алдамаса, унга куч-қувватини, меҳрини берса, ер ҳам бағрини очаверар экан. Ана шу эътиқодимга бу йил яна ишонч ҳосил қилдим. Яширмайман, кўкламда аҳволимиз енгил эмас эди. Экини табиий офатдан зарар кўрган кишининг ичига чироқ ёқса ҳам дили ёришмаслиги маълум. Қолаверса, кечагина ихлос билан чигит экилган майдонларга яна трактор солиш, бир ишни такрор-такрор бажараверish қанчалик руҳий азоб эканлигини бошига шундай ташвиш тушган одамгина чуқур ҳис этади. Бир ёғи иқтисодий шароитнинг мураккаблиги ҳам кайфиятга таъсир қилмай қолмасди. Биз қанчалик мушкул бўлмасин, ана шу муаммоларни ҳамма қатори енгиб ўтдик. Машаққатлар билан қайта кўкартириб олинган 900 гектар майдондаги ғўзаларга колхозчилар меҳр бердилар. Ёзда ўт босиб кетган майдонларни тозалаб олишнинг ўзи бўлмади, албатта. Бундай кезларда район ҳокимлигининг тадбиркорлиги, ҳашарчиларни уюштириб, ёрдам кўрсатганлиги ҳам қўл келди. Астойдил ҳаракат туфайли, ёз сал кин келишига қарамай август ойида мўл ҳосил тўплаб олинди. Уни асраб-авайлаб, маромида парваришлаб сақлаб қолдик. Райондаги бошқа хўжаликлар қатори бизнинг ҳосилимиз ҳам бир ойга кечикди. Аммо кўпроқ майдонларда пахтани очилтириб туриб, кейин машиналарга зўр бердик. Натижа кутилгандек бўлди. 20 та терим машинаси узлуксиз ишлаб турди. Иброҳим Аширматов, Пўлат Айтенов, Абдушукур Ҳасанов каби механик-ҳайдовчилар ҳар куни юксак унум билан ишлаб, бошқаларга ибрат кўрсатдилар. Колхоз бошқаруви эса ҳар беш кунда илғорларни рағбатлантириб борди. Колхозчи деб ном олган киши борки, эрта тонгдан ўз ўрнини далада деб билди. Чирчиқлик ҳашарчилар колхозимиз ҳудудидаги мактаб ўқувчилари, муаллимлар жонимизга аро кириш ди.

Баҳамжиҳатликда гап кўп экан. Уларнинг кўмагида шу кунгача давлатга 2700 тоннадан зиёд пахта топширдик. Ҳосилдорлик гектарига 30 центнерданга айланди. Йиллик режа 120 фоиздан ошиб кетди. Энди Президент фармони асосида даромадимиз кўпаядиган бўлди. Халқимиз меҳнатингдан кедса бойлик, турмуш бўлар чиройлик деб беҳуда айтмаган экан. Хўжалигимизда барча хонадонлар газлаштирилди, ичимлик суви билан таъминланди. Йўлларимиз равон. Турмушимизни яхшилаб олгандан кейин кичик корхоналар қуришга ҳам эътибор бердик. Эндиликда ўзимизнинг пахта пунктимиз, ёғ заводимиз, атлас цехимиз мавжуд. Бу йил сабзавот, канопэ, пахта ва бошқа тармоқлар бўлиб, 100 миллион сўм атрофида даромад қилишимиз кутиляпти. Албатта, бу маблағ хўжалигимизни янада равнақ топтиришга, кишилар турмуш даражасини оширишга сарфланади.

Қ. ДЕҲҚОНОВ,
«Гулистон» жамоа хўжалиги бошқарув раиси.

МУНОСИБ ТАҚДИРЛАНДИ

ШУ ЙИЛГИ мавсумда 65 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 35 центнердан ҳосил олдик. Очиғини айтақолай, бир неча йиллардан бери пахтачилик билан шуғуллансам ҳам токи йиллик режани бажаргунга қадар юрагимнинг бир чеккаси хира юрди. Сабаби, ўзимга маълум эди. Пахта — кўпчиликнинг ризқи-рўзи эмасми, одамларнинг баҳорда товонидан зах ўтиб, ёз жазирамасида миясидан офтоб қиздирганини кўрганман. Ўзим шулар билан ёнма-ён юриб ҳар бир ниҳол умри учун курашганман. Ана шундай заҳмат чекилган бир пайтда, ишқилиб юзимиз ёруғ бўлсинда, пахтакор меҳнатига ҳақ тўлашнинг янгича имтиёзли усуллари пайдо бўлганда биз ундан бебаҳра бўлмайлик-да, деб ташвишланардим. Бунга асос бор эди. Кўкламда ҳар туп кўчатни қулоғидан чўзиб, унга жон киргизишга киргизган эдик-ку, лекин ёзда қуёш гоҳ қиздириб, гоҳ қиздирмай ғўза етарли ривож топмай қолганди.

Илгарилари ҳам иш борасида қийинчиликларга дуч келганман. Шундай пайтларда бригада аъзоларини билан маслаҳатлашиб, тангликдан чиқиш йўлларини излаганмиз. Бу гап ҳам уларни тўплаб аҳволни айтдим.

— Рухсат берсангиз, майдонларни яна бир юмшатиб, 3—4 кун дам берсак, бор ҳароратни олгач, ялатма қилиб суғорсак, — деди бригадамиз механизатори Холтурсун Раимқулов, — шунда иссиқлик етарлича ерга сингарди. Офтобининг нуридан тўлароқ баҳраманд бўларди.

Унинг таклифини қабул қилдик. Ғўзага қўшимча ишлов берилди. Тупроқ бир ҳафта давомида ҳароратни ўзига олгандан кейин қатор оралатиб суғордик. Кўчат таноси қалинлашиб, кучга кирди. Бора-бора шона ҳам мўл бўлди, гуж-гуж кўсак боғлади. Кўнглим таскин топгандек эди. Йўқ, ўргимчаккана яна ташвишга солди. Кейин ҳаммамиз бир бўлиб унга қарши курашдик. Ана шундай машаққатлар билан мўл ҳосил етиштирилди.

Бу ҳосилнинг асосий қисмини машиналар ёрдамида йиғиб олдик. Колхозчилар ҳам астойдил жонбозлик кўрсатишди. Зубайда Абдурасулова, Мовлуда Турдибоева, Муҳтарам Эргашевалар мавсумда икки-уч тоннадан пахта териб бердилар. Холтурсун терган пахта эса 150 тоннадан ошиб кетди. Мен нима учун ишларимизни батафсил айтаяпман. Сабаби — ҳосил етиштириш қийин бўлди. Лекин, ерга меҳр қўйганлигимиз учун ундан мўлганимиздан зиёда ҳосил олдик. Ҳа, ер меҳрга муҳтож. Қалб қўрини берган одамни у, албатта, муносиб тақдирлайди.

У. УСМОНОВ,
Акмал Икромов номли жамоа хўжалиги бригадаси бошлиғи.

БИР ЁҚАДАН БОШ ЧИҚАРДИК

ИЛГАРИ «Пахта — миллий ифтихоримиз, номусимиз, оримиз», «Пахта — бойлигимиз» каби шиорларни кўп жойда учратар эдик. У гапларга ўрганиб кетганимизданми, мазмунини яхши чақмас эканмиз. Йиллар ўтиб, пахтачилик билан шуғуллана бошлаганимдан кейин чин дилдан айтилган бу сўзларда бир олам маъно мужассамлигини англаб етаётирман.

Бешта бригадани ўз ичига олган бизнинг бўлимимиз бу йил 300 гектар майдонда пахта етиштирди Ҳамма қатори кўкламда қийинчиликни бошдан кечирдик. Ўша пайтда хўжалигимиз раҳбари Қозоқбой Соттибоев айтган бир гап асло ёдимдан чиқмайди: «Бунақа қийинчиликни биринчи бор кўраётганимиз йўқ, пахта бўлади. Фақат ҳаммамиз баравар енг шимариб ишга киришайлик».

Ҳудди шундай бўлди. Далаларда оддий колхозчи ҳам, механизатор ҳам, бригадир ҳам бир жон, бир тан бўлиб пешона тери тўкди. Ниҳолларга худди чақалоқ боладек меҳр қўйиб, парваришладик. Тинимсиз меҳнат эвазига замин саҳовотини аямади. Колхозда биринчи бўлиб Аббос Шаропов бошлиқ бригада йиллик планни бажарди. Гектаридан ўртача 30 центнердан ҳосил етиштирган бу бригада бўлимимиздагина эмас, колхозга ҳам руҳ бахш этди. Кейин Ғофир Отақулов, Нишон Анорқулов, Муҳтор Қулбеков, Муҳаммаджон Раҳматов бошлиқ бригадалар бирин-кетин маррага етдилар. Эндиликда бутун колхозимизнинг юзи ёруғ. Йиллик план ҳўжаликда ҳам ортиғи билан бажарилди.

Бўлимнинг ишини рўёбга чиқаришда механик-ҳайдовчилар улуши катта бўлди. Улар мавсум бошида кунига беш-олти тоннага етказиб, буникерларидан пахта тўкдилар.

Аниқ мақсадни кўзлаб, ўз ниятига етган районимиз пахтакорларининг бугунги тантанали куни биз учун ҳам катта шодлик бахш этмоқда. Зероки, ана шу қувончли маррани эгаллашга муносиб ҳисса қўшганлигимиздан мамнунмиз.

У. ҲАЙДАРОВ,
«Ҳақиқат» номли жамоа хўжалиги бўлим бошқарувчиси.



● Ўртачирчиқ районидаги 10 та хўжаликдан тўпланган бу «олтин тоғ»ларни яратишда тадбиркор, ғамхўр раҳбар Ислом Ҳайдарқулов директорлик қилаётган Қорасув пахта заводининг аъзоматлари фидокорлик кўрсатишган. СУРАТЛАРДА: корхона ҳаётидан лавҳалар.

В. ХАРИТОНОВ олган суратлар.

Ўртачирчиқ тумани пахтакорлари ғалабасига бағишланган саҳифани «Тошкент ҳақиқати» газетасининг махсус мухбири С. ҲАСАНОВ уюштирди.

Муҳаррир Н. НАСИМОВ.

Ҳафталик кўрсатувлар

Душанба, 7. XII

● ЎзТВ I

18.00 Янгиликлар.
18.10 «Медуза нимани эшитди!». Мультфильм.
18.20 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Соғинч».
19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.20 «Санъат оламн».
19.50 «Ўзбекистон». Телевизион киножурнал.
20.00 Ҳукумат тадбирлари.
20.30 «Ўзбекистон» ахбороти.
21.00 Ун иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ўн биринчи сессияси олдидан.
22.00 Ўзбекистон санъат усталари ва ёш ижрочиларининг концерти.
23.30 «Уорлднет» телекомпаниясининг янгиликлари (АҚШ).
24.00 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● ЎзТВ II

«ТОШКЕНТ»
СТУДИЯСИ КЎРСАТАДИ

18.30 «Ассалому алайкум».
19.30 Болалар учун. «Совға».
20.00 «Лаҳза». Хабарлар.
20.10 «Миришкорлар».
20.40 «Билиб қўйган яхши».
20.55 «Лаҳза». Хабарлар.
21.05 «Тўйлар муборак». Бадиий фильм.

ТЕЛЕТОМОШАБИНЛАР ДИҚҚАТИГА!

Профилактика муносабати билан душанба, 7 декабрь куни «Орбита IV» кўрсатувлари соат 5.55 дан 12.20 гача ЎзТВ I канали орқали олиб кўрсатилади.

● «ОРБИТА IV»

5.55, 9.20, 15.20, 18.20, 21.20— Кўрсатувлар тартиби.
6.00 «Якунлар».
6.45 «Тонг».
9.00 Янгиликлар.
9.25 «КТВ-1» ҳамда «Франс интернасиональ» канали таништиради: «Жозеф Бальзамо». Кўп серияли бадиий фильм премьераси (Франция). 4-серия.
10.25 Футбол шарҳи.
10.55 «Нима! Қаерда! Қачон!».
12.00 Янгиликлар.

* * *

15.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
15.25 «Телемикст».
16.10 «Ён дафтар».
16.15 «Майя ариси». Кўп серияли мультфильм.
17.05 «Рок-сабоқ».
17.45 «Технодром».
18.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
18.25 «Иқболи кулганда».
19.05 «Доремн». Мультфильм.
19.15 Футбол шарҳи.
19.45 «КТВ-1» ҳамда «Франс интернасиональ» канали таништиради: «Жозеф Бальзамо». Кўп серияли бадиий фильм премьераси. 4-серия.
20.45 Хайрли тун, кичкинтойлар!
21.00 Янгиликлар.
21.25 «Спорт уик-энди».
21.40 «Турмуш икир-чикирлари». Бадиий телесериал премьераси. 10-серия.
22.10 «Янги студия» таништиради: «Матбуот-клуби». Танаффус пайтида (24.00) — Янгиликлар.

● «ДУБЛЬ IV»

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

8.00 Хабарлар.
8.20 Ишбилармон кишилар даври.
8.50 «ХХ аср кадрда ва кадр ортида». Вивьен Ли.
9.45 Параллеллар. «Юзма-юз».
10.00 «Сиз яратган боғ».
10.30 Мульти-пульти.
10.50 Кундузги сеанс. «Оқ Бим Қора қулоқ». Бадиий фильм. 1-серия.
12.25 «ТИНКО» Савдо уйи.
12.30 «Деҳқонларга тааллуқли масала».

* * *

15.25 «Новаторлар ва консерваторлар».
15.55 «Бадабоки». Мактабгача ёшдаги болалар учун кўрсатув (Франция).
16.15 Мульти-пульти.
16.25 Янгиликлар.
16.40 «Саховат кўрсат».
17.40 «Смирновлар оиласи. Бундан буён қандай яшаш керак!» (Австрия) фильмининг муҳокамаси.
17.55 Эълонлар.
18.00 Хабарлар.
18.30 Эълонлар.
18.35 Душанба куни детектив «Кукарача». Бадиий фильм.

*

20.10—24.00
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

Сешанба, 8. XII

● ЎзТВ I

18.00 Янгиликлар.
18.20 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Истеъдодларни излаймиз».
19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.20 Олим Хўжаев номидаги Сирдарё вилояти театрининг яккахони Асадулла Холиқов куйлайди.
19.50 Сессия кундалиги.
20.00 «Замин қалбига қулоқ тут». Телефильм.
20.30 «Ўзбекистон» ахбороти.
21.00 Ун иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ўн биринчи сессияси иши ҳақида ҳисобот.
24.00 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● ЎзТВ II

«ТОШКЕНТ»
СТУДИЯСИ КЎРСАТАДИ

18.30 «Бизнинг интервью».
18.50 «Мусиқали меҳмонхона».
19.30 «Алоқалар ва шартномалар».
20.00 «Бу оқшомда» кўрсатуви саҳифаларида.
21.10 «Уорлднет» телекомпаниясининг янгиликлари (АҚШ).
21.40 Эълонлар. «Кинонигоҳ».

● «ОРБИТА IV»

5.50, 15.20, 18.20, 00.40 —Кўрсатувлар тартиби.
5.55 Янгиликлар.
6.35 Эрталабки гимнастика.
6.45 «Тонг».
9.00 Янгиликлар.
9.20 «КТВ-1» ҳамда «Франс интернасиональ» канали таништиради: «Жозеф Бальзамо». Кўп серияли бадиий фильм премьераси. 5-серия.
10.25 «Ҳайвонот оламида» (сурдо таржимаси билан).
11.05 «Сэмбо», «Хўтикча». Мультфильмлар.
11.30 «Турмуш икир-чикирлари», Бадиий телесериал. 10-серия.
12.00 Янгиликлар.
Кундузги киноэкспресс
12.25 «Директорлик лавозимига имтиҳон». Телевизион бадиий фильм.

* * *

15.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
15.25 «Ишбилармон кишилар хабарномаси».
15.40 «Адам Смит бойлиги дунёси».
16.10 «Ён дафтар».
16.15 «Майя ариси». Кўп серияли мультфильм.
17.05 Болалар телевидениеси ассоциацияси. «Менинг жажжи дўстим» (Қозон), «Мўъжиза содир бўлади» (Пенза).
17.45 «Робинзон Кузя». Мультфильм.
18.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
18.25 Давлатлараро «Останкино» телеканали таништиради.
18.55 «КТВ-1» ҳамда «Франс интернасиональ» канали таништиради: «Жозеф Бальзамо». Кўп серияли бадиий фильм премьераси. 5-серия.
20.00 «Мавзу».
20.45 Хайрли тун, кичкинтойлар!
21.00 Янгиликлар.
21.20 Футбол. УЕФА кубоги. 1/8 финал. «Бенфика» (Португалия) — «Динамо» (Москва). Португалиядан олиб кўрсатилади.
23.00 А. Никольский қўшиқ ва шеърларини И. Мирошниченко ижро этади.
24.00 Янгиликлар.

● «ДУБЛЬ IV»

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

8.00 Хабарлар.
8.20 Ишбилармон кишилар даври.
8.50 «Қор — менинг тақдирим» (Норильск. Йиллар. Одамлар). Кўп серияли телефильм. 1-серия.
10.00 Ишдан бўш пайтингизда. «Қушлар биз билан».
10.15 «Халфана».
10.45 «Пилигрим». Россия саёҳатлар бюроси.
11.30 «Гап-гаштакларни кўмсаб».
12.00 Кундузги сеанс. «Оқ Бим Қора қулоқ». Бадиий фильм. 2-серия.
13.25 Мульти-пульти.
13.35 «ТИНКО» Савдо уйи.
13.40 «Деҳқонларга тааллуқли масала».

* * *

16.00 «Телебиржа».
16.30 «Рост» студияси. «Артзона».
17.00 Янгиликлар.
17.15 Мульти-пульти.
17.25 «Эҳром — жону таним».
17.55 Эълонлар.

*

18.00—22.00
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

*

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

22.00 Хабарлар.
22.25 Россия Федерацияси халқ депутатлари еттинчи съездининг иши ҳақида ҳисобот.
23.20 Санъат майдони. «Композитор С. Губайдулина».
00.05 Россия Федерацияси халқ депутатлари еттинчи съездининг иши ҳақида ҳисобот.

Чоршанба, 9. XII

● ЎзТВ I

7.00 «Ўзбекистон» ахбороти.
7.30 «Соляжон ота ҳофиз ҳузурида».
8.20 «Най навоси». Бадиий фильм.
9.45 Ўзбек тилини ўрганамиз.
10.15 Телефильм.
10.30 Ўқув кўрсатуви. Физика. Ёруғликнинг тўлқин хоссаси.
11.00 Ўзбекистон Давлат телерадиокомпанияси хизмат кўрсатган хор жамоасининг концерти.
11.30 Ўқув кўрсатуви. Жуғрофия. Ўрта Осиё ва Қозоғистоннинг табиий географик ривожлантирилиши.

* * *

18.00 Янгиликлар.
18.20 «Бўрсиқ учун уй». Мультфильм.
18.30 Болалар учун. «Кичкинтой» устахонаси.
19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.20 Санъат усталари ижросида концерт.
19.50 Сессия кундалиги.
20.00 Санъат усталари ижросида концертнинг давоми.
20.30 «Ўзбекистон» ахбороти.
21.00 Ун иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ўн биринчи сессияси иши ҳақида ҳисобот.
24.00 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● ЎзТВ II

«ТОШКЕНТ»
СТУДИЯСИ КЎРСАТАДИ

18.30 «Уолт Дисней таништиради...». Мультфильмлар тўплами.
19.20 «Спринт».
19.40 «Кулиб боқ, кичкинтой».
20.20 «Йирик планда».
21.20 «Уорлднет» телекомпаниясининг янгиликлари (АҚШ).
21.50 «Уй-жойларни хусусийлаштириш».
22.50 «Водиллик келин». Бадиий фильм.

● «ОРБИТА IV»

5.50, 15.20, 21.20, 00.35 —Кўрсатувлар тартиби.
5.55 Янгиликлар.
6.35 Эрталабки гимнастика.
6.45 «Тонг».
9.00 Янгиликлар.
9.20 «КТВ-1» ҳамда «Франс интернасиональ» канали таништиради: «Жозеф Бальзамо». Кўп серияли бадиий фильм премьераси. 6-серия.
10.20 Футбол. УЕФА кубоги. 1/8 финал. «Бенфика» (Португалия) — «Динамо» (Москва). Португалиядан кўрсатилади.
12.00 Янгиликлар.
Кундузги киноэкспресс
12.20 «Чин инглизча қотиллик». Бадиий фильм. 1-серия.

* * *

15.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
15.25 «Телемикст».
16.10 «Ён дафтар».
16.15 «Майя ариси». Кўп серияли мультфильм.
16.40 Сергий Радонежский ҳақида телевизион ҳужжатли фильм премьераси («Астра» ижодий уюшмаси).
17.10 Теннис. «Катта шлем» кубоги. Германиядан кўрсатилади.
17.50 «Матбуот-экспресс».
18.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
18.25 «Ҳар бир киши ўзи ҳақида».
18.35 «Инсон ва қонун».
19.05 «Волхонкадаги уй». Кўп серияли телефильм премьераси. 9-фильм (якунловчи).
19.50 «Мўъжизалар майдони».
20.45 Хайрли тун, кичкинтойлар!
21.00 Янгиликлар.
21.25 Букер адабий мукофоти Россияда.
21.40 «Веди».
22.20 «Мана... яна Насриддин».

● «ДУБЛЬ IV»

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

Телевизион бадиий фильм.
23.40 Тула Давлат хорининг концерти.
24.00 Янгиликлар.
00.40 Футбол. Чемпионлар лигаси. МАСК—«Глазго Рейнджерс». Германиядан олиб кўрсатилади.

ТЕЛЕТОМОШАБИНЛАР ДИҚҚАТИГА!

Профилактика муносабати билан чоршанба, 9 декабрь куни «Дубль IV» кўрсатувлари соат 15.55 дан олиб кўрсатилади.

● «ДУБЛЬ IV»

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

15.55 «Сигнал».
16.10 Трансросэфир. «Узоқ Шарқ».
16.55 Янгиликлар.
17.10 Мульти-пульти.
17.25 «Бугунги кунда «Чапақай» зарурми?».
17.55 Эълонлар.

*

18.00—22.00
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

*

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

22.00 Хабарлар.
22.25 Спорт кўрсатуви.
22.30 Россия Федерацияси халқ депутатлари еттинчи съездининг иши ҳақида ҳисобот.

Пайшанба, 10. XII

● ЎзТВ I

7.00 «Ўзбекистон» ахбороти.
7.30 Ер ва диёр тароналари.
8.10 «Сени кутамиз, Темур!». Бадиий фильм.
9.40 Турк тили.
10.10 «Павлово халқ амалий санъати». Телефильм.
10.30 Ўқув кўрсатуви. Информатика. Бейсик тилининг буйруқлари бўйича амалий машғулот.
11.00 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Рўзғор ташвишлари».

* * *

18.00 Янгиликлар.
18.20 «Саёҳат». Мультфильм.
18.30 Болалар учун. «Қувноқлар даврасида».
19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.20 Авазбек Маҳмудов куйлайди.
19.50 Сессия кундалиги.
20.05 «Ер ости бойликлари». Телефильм.
20.30 «Ўзбекистон» ахбороти.
21.00 Ун иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ўн биринчи сессияси иши ҳақида ҳисобот.
24.00 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● ЎзТВ II

«ТОШКЕНТ»
СТУДИЯСИ КЎРСАТАДИ

18.30 Болалар учун. «Табассум».
19.00 «Театр учрашувлари».
20.00 «Пульс». Хабарлар.
20.10 «Бу оқшомда».
21.20 «Уорлднет» телекомпаниясининг янгиликлари (АҚШ).
21.50 «Пульс». Хабарлар.
22.00 Эълонлар. «Кинонигоҳ».

● «ОРБИТА IV»

5.50, 15.20, 18.20, 21.20 — Кўрсатувлар тартиби.
5.55 Янгиликлар.
6.35 Эрталабки гимнастика.
6.45 «Тонг».
9.00 Янгиликлар.
9.20 «КТВ-1» ҳамда «Франс интернасиональ» канали таништиради: «Жозеф Бальзамо». Кўп серияли бадиий фильм премьераси. 7-серия.
10.20 Футбол. Чемпионлар лигаси.
12.00 Янгиликлар.
Кундузги киноэкспресс
12.20 «Чин инглизча қотиллик». Бадиий фильм. 2-серия.

* * *

15.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
15.25 «Телемикст».
16.10 «Майя ариси». Кўп серияли мультфильм.
17.00 Теннис. «Катта шлем» кубоги. Германиядан кўрсатилади.
17.30 «...16 ёшгача ва ундан катталар».
17.50 «Матбуот-экспресс».
18.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
18.25 «...16 ёшгача ва ундан катталар» (давоми).
18.55 «КТВ-1» ҳамда «Франс интернасиональ» канали таништиради: «Жозеф Бальзамо». Кўп серияли бадиий фильм премьераси. 7-серия.
19.55 Николай Озеровга аталган гулдаста (туғилган кунининг 70 йиллигига).
20.45 Хайрли тун, кичкинтойлар!
21.00 Янгиликлар.
21.25 «Катта Шимол қаерда!». Телевизион бадиий фильм премьераси (Финляндия).
22.40 Футбол. Чемпионлар лигаси.
23.30 «Останкино» хит-паради. Танаффус пайтида (24.00) — Янгиликлар.

● «ДУБЛЬ IV»

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

8.00 Хабарлар.
8.20 Миллий баскетбол уюшмасининг баскетбол шарҳи.
8.50 Мансаб алифбоси. «Германия йўлларида».
9.15 Ишдан бўш пайтингизда. «ТВ-ателье».
9.30 «Чангалзорларда».
10.00 «Плюс ўн бир» видеоканалидан репортаж» (Оренбург).
9.15 Инсон ҳуқуқлари куни. «Қонли ҳошияли қора байроқ».
9.40 Ишдан бўш пайтингизда. «Хонаки клуб».
9.55 «Бурда моден» таклиф этади...».
10.25 «Ёпиқ шаҳар».
10.55 «Тилла шпора».
11.25 «Ноктюрн». Видеолавҳа.
11.45 «Сатирикон» студияси. С. Альтов.
12.15 Кундузги сеанс. «Санта-Барбара». Кўп серияли бадиий телефильм. 110-серия.
13.05 «Рус қўшиғи эса мангу яшайди» (Оренбург шаҳри).
13.50 «ТИНКО» Савдо уйи.
13.55 «Деҳқонларга тааллуқли масала».

* * *

15.40 «Бозорни ўрганамиз».
16.10 «Рост» студияси. «Тонлабиринт».
16.40 Янгиликлар.
16.55 «Нефть».
17.25 Шундай яшаяпмиз, «Кечир, қурол...».
17.55 Эълонлар.

*

18.00—22.00
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

*

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

22.00 Хабарлар.
22.25 Россия Федерацияси халқ депутатлари еттинчи съездининг иши ҳақида ҳисобот.
23.20 Махсус тижорат хабарномаси.
23.30 «Хроно». Авто ва мотоспорт оламида.
24.00 Спорт кўрсатуви.
00.05 Россия Федерацияси халқ депутатлари еттинчи съездининг иши ҳақида ҳисобот.
01.10 «Эдита Пьеха базми».

Жума, 11. XII

● ЎзТВ I

7.00 «Ўзбекистон» ахбороти.
7.30 «Хоразм гулдастаси» ансамблининг концерти.
8.20 «Шум бола». Бадиий фильм.
10.00 Араб тили.
10.30 Ўқув кўрсатуви. Биология. Оқсиллар биосинтези.
11.00 Болалар учун фильм. «Нега қиш бўлади!».
11.30 Ўқув кўрсатуви. Зоология. Судралиб юрувчи ҳайвонлар синфи.
12.00 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Нишона».

* * *

18.00 Янгиликлар.
18.10 «Кўргазмани ўғирлаш» Мультфильм.
18.30 Мактаб ўқувчилари учун. «Санъат ғунчалари».
19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.20 «Қишда ҳам ёз неъматлари».
19.50 Ҳукумат тадбирлари.
20.30 «Ўзбекистон» ахбороти.
20.55 Тижорат хабарлари.
21.00 Ҳазиний таваллудининг 125 йиллиги хотира кечасидан ёзиб олинган концерт.
22.00 «Уорлднет» телекомпаниясининг янгиликлари (АҚШ).
22.30 «Ўтган кунлар». Бадиий фильм.
00.05 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● ЎзТВ II

БИШКЕК КЎРСАТАДИ

18.05 «Денгиз саргузашти». Мультфильм.
18.15 «Байкем, Эжем жана биз».
18.30 «Ата журт» телеканали.
19.00 «Ала-Тоо».
19.20 «Ата-журт» телеканали (давоми).
19.35 «Австралиялик азиз ажи туулуп оскон туурундаа».
20.05 «Кун». «Ишкер долбоорунун келечеги».
20.20 «Мелдеш мара моорой».
21.00 Қирғизистон Республикаси Олий Кенгаши сессиясининг иши ҳақида ҳисобот.

● «ОРБИТА IV»

5.50, 15.20, 18.20, 21.20 — Кўрсатувлар тартиби.
5.55 Янгиликлар.
6.35 Эрталабки гимнастика.
6.45 «Тонг».
9.00 Янгиликлар.
9.20 «...16 ёшгача ва ундан катталар».
10.10 «Саёҳатчилар клуби» (сурдо таржимаси билан).
11.00 Николай Озеровга аталган гулдаста (туғилган кунининг 70 йиллигига).
11.50 «Филя». Мультфильм.
12.00 Янгиликлар.
Кундузги киноэкспресс
12.20 «Оқ маликанинг юриши». Бадиий фильм.

* * *

15.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
15.25 «Бридж».
15.50 «Бизнес-класс».
16.05 «Ён дафтар».
16.10 «Майя ариси». Кўп серияли мультфильм.
16.35 Теннис. «Катта шлем» кубоги. Германиядан кўрсатилади.
17.10 «Марказ».
17.50 «Матбуот-экспресс».
18.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
18.25 «Ҳар бир киши ўзи ҳақида».
18.35 «Инсон ва қонун».
19.05 «Волхонкадаги уй». Кўп серияли телефильм премьераси. 9-фильм (якунловчи).
19.50 «Мўъжизалар майдони».
20.45 Хайрли тун, кичкинтойлар!
21.00 Янгиликлар.
21.25 «Детективлар клуби»да Ойнаи жаҳонда биринчи марта. «Қирғоққа уриладиган тўлқин чизиғида». Бадиий фильм (Свердловск киностудияси).
22.55 Катталар учун мультфильм.
23.05 «Мусаввир Жигальцевнинг ёғоч одамчалари». Телефильм.
«ВИД» таништиради:
23.25 «Сиёсий бюро».
00.40 «Музобоз».
01.20 «Ҳафтанинг машҳур кишиси».
01.35 «Авто-шоу».
01.50 «Юлдузли ёмғир». Танаффус пайтида (24.00) — Янгиликлар.

● «ДУБЛЬ IV»

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

8.00 Хабарлар.
8,20 Эълонлар.
8,25 Ишбилармон кишилар даври.
8.55 «Ватаним менинг».
9.50 «Қадимий қўшиқнинг умри боқий» (Мурманск).
10.15 «Оқ қарға».
11.00 Миллий баскетбол уюшмасининг энг яхши ўйинлари.
12.00 Кундузги сеанс. «Санта-Барбара». Кўп серияли бадиий телефильм. 111-серия.
12.50 «Москва тор кўчаларининг сукунати».
13.20 Ишдан бўш пайтингизда. «Диққат, сувратга олаяпман».
13.35 «ТИНКО» Савдо уйи.
13.40 «Деҳқонларга тааллуқли масала».

* * *

16.10 «Телебиржа».
16.40 «Рост» студияси. «Ун беш ёшли капитан».
17.10 Янгиликлар.
17.25 «Ҳали англанмаган нонот».
17.55 Эълонлар.

*

18.00—18.55
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

*

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

18.55 «Ниҳоятда таҳликали бўлинма».
19.30 Жума кунлари Уолт Дисней. «Чипс — ҳарбийлар ити». Бадиий фильм. 2-серия.
20.20 «Ҳар бир кун байрам».
20.30 «Океан адмирали». Бадиий фильм (Англия).
21.45 Криминал хабарлар экрани.
21.55 Эълонлар.
22.00 Хабарлар.

*

22.25—01.00
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

Шанба, 12. XII

● ЎзТВ I

7.00 «Ассалому алайкум».
8.00 «Иван Васильевич касбини ўзгартиради». Бадиий фильм.
9.30 «Шоҳруҳ» клуби.
9.50 Мактаб ўқувчилари учун. «Уйла! Изла! Топ!».
10.50 «Алифбо сабоқлари».
11.20 «Эл хизматида».
11.55 Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Эргаш Шукруллаевнинг ижодий кечаси.
12.30 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Билимдон мунажжим». Болалар учун эртак.
13.30 Тижорат канали. «Чўл миришкорлари».
14.10 Уйғун. «Парвона». Ҳамза номидаги Ўзбек Давлат академик драма театрининг спектакли.

* * *

18.00 «Болалик чоғларимда». Мультфильм.
18.15 Усмирлар учун. «Тенгдошлар».
19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.20 «Баҳодир». Телефильм.
19.50 «Мусиқа жавони».
20.30 «Туркистон» ахбороти.
21.00 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Ойдин кечалар».
22.00 «Мимино». Бадиий фильм.
23.30 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● ЎзТВ II

АШГАБАТ КЎРСАТАДИ

7.00—14.00

* * *

17.00—23.30

● «ОРБИТА IV»

6.35, 21.20 — Кўрсатувлар тартиби.
6.40 Эрталабки гимнастика.
6.50 Ишбилармон кишининг шанба тонги.
7.50 Янгиликлар.
8.30 «Спорт-ньюконият».
9.00 «Марафон-15» — кичкинтойларга».
9.25 Экологик кўрсатув.
9.40 «Уз-ўзингга мадад бер».
10.10 «Шанба кунги дастхат».
10.40 «Авиакосмик салон».
10.55 «Мўъжизасиз мўъжизалар».
11.25 «Мусиқий дўкон».
11.55 «Христос ва Антихрист». Беларусь Давлат рус драма театри фильм-спектаклининг премьераси. Муаллиф — Д. Мережковский (театр юбилейига бағишланади).
14.20 «Сиёсат» студияси иқтисодчи М. Фридман иштирокида АҚШнинг «Таплаш эркинлиги» кўрсатувини таништиради. 4-кўрсатув.
14.50 «Матбуот-экспресс».
15.00 Янгиликлар.
15.20 Теннис. «Катта шлем» кубоги. Германиядан кўрсатилади.
15.50 «Зазеркалье». «Чол ибн Ҳаттоб». Бадиий фильм.
17.20 «АБВГД ЛТД» телесериали. 8-серия.
17.50 «Қизил квадрат».
18.30 А. Миндадзе ва В. Абдрашитов фильмлари. «Хизматкор».
20.45 Хайрли тун, кичкинтойлар!
21.00 Янгиликлар.
21.25 «Аншлаг. Аншлаг. Аншлаг». Владимир Винокур.
22.45 «Фоменко қаерга ғойиб бўлди!». Телевизион бадиий фильм.
24.00 Янгиликлар.

● «ДУБЛЬ IV»

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

8.00 Хабарлар.
8.20 Миллий баскетбол уюшмасининг баскетбол шарҳи.
8.50 Мансаб алифбоси. «Германия йўлларида».
9.15 Ишдан бўш пайтингизда. «ТВ-ателье».
9.30 «Чангалзорларда».
10.00 «Плюс ўн бир» видеоканалидан репортаж» (Оренбург).
9.15 Инсон ҳуқуқлари куни. «Қонли ҳошияли қора байроқ».
9.40 Ишдан бўш пайтингизда. «Хонаки клуб».
9.55 «Бурда моден» таклиф этади...».
10.25 «Ёпиқ шаҳар».
10.55 «Тилла шпора».
11.25 «Ноктюрн». Видеолавҳа.
11.45 «Сатирикон» студияси. С. Альтов.
12.15 Кундузги сеанс. «Санта-Барбара». Кўп серияли бадиий телефильм. 110-серия.
13.05 «Рус қўшиғи эса мангу яшайди» (Оренбург шаҳри).
13.50 «ТИНКО» Савдо уйи.
13.55 «Деҳқонларга тааллуқли масала».

* * *

15.40 «Бозорни ўрганамиз».
16.10 «Рост» студияси. «Тонлабиринт».
16.40 Янгиликлар.
16.55 «Нефть».
17.25 Шундай яшаяпмиз, «Кечир, қурол...».
17.55 Эълонлар.

*

18.00—22.00
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

*

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

22.00 Хабарлар.
22.25 Спорт кўрсатуви.
22.30 «Пани Мария». Бадиий фильм.
24.00 Телезкранда — премьера. «Ха-би-асся». Бадиий фильм.

Якшанба, 13 XII

● ЎзТВ I

7.00 Ўзбекистон халқ артисти Нуриддин Ҳамроқулов куйлайди.

*

8.00 «Туркистон» ахбороти.
8.30 «Ҳазил». Бадиий фильм.
10.05 «Биргаликда куйлаймиз».
10.35 «Тошкент» студияси кўрсатади. «Узингни эр билсанг».
11.15 «Шеърият дафтаридан».
11.45 «Экран табассуми». Киноконцерт.
12.10 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Иқбол». Низомий номидаги Тошкент Давлат мувалимлар олийгоҳи талабаларининг мусобақаси.

* * *

18.00 «Фаррух ва Зумрад». Мультфильм.
18.20 Ўзбек футболининг 80 йиллигига. «Футболимиз фахрийлари даврасида».
19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.20 «Куз манзаралари». Телефильм.
19.30 «Ҳаёт қувончлари ва ташвишларн».
20.30 «Ўзбекистон» ахбороти.
21.00 «Марҳабо, талантлар!». Ўзбекистон Республикаси бадиий ҳаваскорлик жамоаларининг телевизион фестивали. Жиззах вилояти.
22.30 «Нотаниш ворис». Бадиий фильм.
23.50 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● ЎзТВ II

БИШКЕК КЎРСАТАДИ

9.05—12.00 Қирғизистон телевидениесининг болалар студияси намойиш этади. Программада: «Хуш хабарлар»; «Бобок сенин жомогун»; «Дидар-шоу»; бадиий фильм; мультфильм.

* * *

18.05 «Кичик компаниянинг катта сири», «Вера ва Анфиса ёнгинни ўчиришди». Мультфильмлар.
18.30 Тижорат канали.
19.00 «Ала-Тоо».
19.20 «Канизак Изаура». Кўп серияли бадиий телефильм. 8-серия (рус тилида).
20.30 «Ирларим менин тоолордо». С. Жусуевнинг муаллифлик кечаси.

● «ОРБИТА IV»

6.15, 19.15 — Кўрсатувлар тартиби.
6.20 «Руҳни чиниқтириш».
7.20 «Спортлото» тиражи.
7.35 Халқ оҳанглари.
7.50 Янгиликлар.
8.30 «Эрта саҳарлаб». «Денвер — динозаврларнинг энг охиргиси». Кўп серияли мультфильм премьераси (Франция).
9.00 «Ҳозирча ҳаммаси жойида». Дам олиш кўрсатуви.
9.30 «Тонг юлдузи».
10.20 Мультфильм.
10.30 Футбол. Қитъалараро кубок. «Сан-Паулу» (Бразилия) — «Барселона» (Испания). Япониядан кўрсатилади.
12.00 «Пи» белгиси билан».
12.40 «Қора кўркам от саргузаштлари». Болалар учун кўп серияли телефильм премьераси. 22-серия.
13.05 «Янги авлод танлайди». «КТВ-1» ҳамда «Франс интернасиональ» канали таништиради:
13.40 «Пиф ва Геркулес». Кўп серияли мультфильм премьераси.
13.50 «Кусто командасининг сувости одиссеяси». Кўп серияли ҳужжатли фильм премьераси.

*

14.40 Г. Беседина куйлайди.
15.00 Янгиликлар.
15.15 «Иш».
15.25 «Ойдаралик дарвиш». Телефильм.
15.35 «Саёҳатчилар клуби».
16.25 «Ҳунарли хор бўлмаса».
16.30 «Уолт Дисней таништиради...».
17.20 Эфирда бевосита мулоқот.
18.05 «Мариинскда променад».
19.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
19.20 «Панорама». Ҳафталик халқаро кўрсатув.
Якшанба кинокўрсатувлари
20.00 Ойнаи жаҳонда биринчи марта. «Издан чиққан автобус». Бадиий фильм.
21.50 Москва кино-хит-паради.

*

22.00 «Якунлар».
22.45 «Телепоцния».
23.00 «Нима! Қаерда! Қачон!».
00.05 Янгиликлар.
00.20 Теннис. «Катта шлем» кубоги. Ярим финал. Германиядан кўрсатилади.
01.20 «Видеодром».

● «ДУБЛЬ IV»

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

8.00 Хабарлар.
8.20 «Спорт олами «Жиллетт» фирмаси нигоҳи билан».
8.50 «Юқоридан каромат қилинган...».
9.35 «Қалит» кўрсатуви. «1812 йилнинг момақалдироғи».
10.05 «Олти сотих».
10.25 «Кироллиқдаги саргузашт». Қўғирчоқ мультфильм. 16-серия.

*

10.55—15.40

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ «ДЎСТЛИК» ВИДЕОКАНАЛИ

1. «Қўлни қўлга бериб...».
2. Қардошлик тароналари.
3. «Бизнен мирас» (татар тилида).
4. «Интерспорт».
5. «Гулпоп». Нукус шаҳрининг 60 йиллигига бағишланади (қорақалпоқ тилида).

*

15.40 «Познер ва Донаҳью».
16.10 «Ҳайвонот оламида».

*

17.10—20.15
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

*

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

20.15 Голливуд классик фильмлари фестивали. «Ун нини милли риф ортида».
21.55 Эълонлар.
22.00 Хабарлар.
22.25 Телевизион текширувлар бюроси.
23.20 «Орол». Режиссёр Д. И. Карасин.
00.05 Эс-Эн-Си тунги клуби.

«Тошкентдан гапирамиз ва кўрсатамиз» ҳафтаномасининг 1 декабрь сонидан олинди.

Тошкент ҳақиқати

МУАССИСЛАР: ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТ КЕНГАШИ ВА «ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» ЖУРНАЛИСТЛАР ЖАМОАСИ.

БИЗНИНГ МАНЗИЛГОҲ: 700000 ТОШКЕНТ, ГСП ЛЕНИНГРАД КУЧАСИ, 32.

Телефонлар:

ХАТЛАР ВА ОММАВИЙ ИШЛАР БЎЛИМИ — 33-40-48.
АХБОРОТ, ТИЖОРАТ ВА ЭЪЛОНЛАР БЎЛИМИ — 33-99-15.

Ўзбекистон Республикаси «Шарқ» нашриёт-матбаачилик концернининг босмахонаси. 700000, Тошкент, ГСП, Ленинград кўчаси, 32-уй. Газета офсет усулида А—2 форматида босилади. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12.

Нашр кўрсаткичи: Г-516. Индекс: 64672. Босишга топшириш вақти — 20.30. Босишга топширилди — 19.30. 31730 нусха босилади.